

Умрим бўйи бой бўлиш йўлларини излаб тополмай, охир, «такдиримда бойлик ёзилмагон экан» деб юрган эдимки, тўйкуздан ўктабр ўзгариши воқеъ бўлуб, болшевиклар хукм сура бошладилар. Кўб вақт ўтмадиким, булар турли газета ва китоблар чиқариб, халкни болшевикликка ташвиқ эта бошладилар. Бошқа ёқдан, эшонларимизга ўхшаш: «Дунё харом, пул бекор, бойлар золим, конхўр!» деб бойнамоларимизни эзишга тутиндилар...

Қараб турсам, маслакдошларимдан тузук-тузук обрўли кишилар «холо сўзингиз ҳақ» деб болшевикликка ёзилиб учига чиқиб кетдилар. Зотан, ман ўзим бой бўлмок йўлини тополмай, гаранг бўлиб юрган эмасми, Тангрининг мени бой қилмаганига шукрлар қилдим. Чунки бу кун агар мен ҳам бой бўлсам эди, бу кунги бойнамолар қаторида бор-йўгимдан айрилиб, турмаларда қамалиб, қанча азоблар қўрган бўлур эдим.

Оқибат, мен ҳам ҳеч қим билан қенгашмасдан, истихора қилмасдан, тезгина болшевик бўлиб олдим. Шунини ҳам билмок керакким, мен зохиран болшевик бўлган бўлсам ҳам, ота-бобомдан мерос бўлиб келган қўнғимда «қан-нақши фил-ҳажар» (тошга ўйилган нақш) қабил ўлтириб қолгон ҳисларим ўз жойида барқарор эди.

Сўзининг қисқаси, мен ҳам масъул ишчилар қаторида масъулиятлик бир ишга қириб кетдим. Ойлар ўтди, йиллар ўтди. Мен букун-эрталарда оқча бекор бўладир, бойлар йўқ бўлиб, барчамиз қамбағал ҳолатида роҳатда яшармиз деб юрсам ҳам, лекин бул сабил қолгур пул билъакс қўпая берди. Тухумига қирон қелгур бойлар ҳам йўқ бўлмадилар, балки бирлари минг, минглари миллион, миллионлари миллиардларга етиб, Қорундек мулаларнинг ҳисобини билмай-тургон бўлдим.

Маслакдош мусулмон, болшевик ўртоқларимнинг баъзилари ҳолига диққат билан қарасам, зохиран булар ҳам мен билан баробар ойлик оладурлар. Лекин ҳақиқатдан димоглари чок, бош-оёқ қийимлари «золим Николай»нинг генеролларида ҳам йўқ...Ишларига қўз солсам: далага ҳар бир овға қикқанларида «музаффар ва мансур» бўлиб қай-тиб қеларлар. Сўнгра ўзлари истаган хотин-қизларини миллиардларча сўм ҳаражот билан тўй қилиб олиб, қайф-сафо этарлар. Болшевик қуқонида ичкилик харом бўлса-да, булар ҳийлаи шаръий топиб, сув ўрнида қоньяк ичарлар.

Бу ишлар мени ҳайратга солди. Бой бўлмок савдоси яна бошимга тушди. Бир дўстимнинг қенгаши билан дўқон оқдим, аммо сармомядан асар, савдодан давлат йўқ. Баъзан қонлик

нон ва чойни «харифона» тариқаси билан топиб ўтказаман...Натижада, яна очлик, яна ялангочлик.

Окибат, ўйлаб топдимки, бу тўғрида айб ўзимда экан, мунча очлик, мунча ялангочлигимга, бу қадар бахтсиз ва толесизлигимга ўзим сабаб бўлгон эканман. Чунончи, мен болшевик бўлиб туриб баъзи болшевик ўртоқларимдек халқ номидан зақот олишни ўзимга вазифа этмабман.

Хар ким бой бўлишни истаса, виждон билан алоқа киддингми, бойлик сендан алоқасини узиши аниқдир, бу нарса менга узок тарбиялардан кейин сабоқ бўлди.

*Ботурбек*

Кўб вақт бир кишига ёки бир неча кишига қаратиб айтилган «Таёқ» ўзини тўғри ҳисоблаб юрган кишиларга ҳам тегиб кетадир. Меним бу таёғим тўғрининг бошидан сакраб ўтуб, эгрининг бошини ёрадир.

*«Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 3 ноябрь*